

Адигея овулида янги масжид қурилади



11:32 / 17.10.2018 2908

Масжид овулнинг марказида бўлиб, Адигея Республикаси ва Краснодар ўлкаси мусулмонлари диний идораси, шунингдек ҳомийлар маблағи кўмагида бунёд этилмоқда. Бу ҳақда Islam.ru нашри [хабар берди](#).

Адигея Республикаси ва Краснодар ўлкасининг муфтийси Аскарбий Кардановнинг сўзларига қараганда, Кошехабл овулида фаолият юритадиган кичик масжид намозхонларни ўз ичига сиғдиролмай қолган.

Лойиҳа бўйича 30 метргача баландликдаги икки минораси бўлган янги масжид 1000 кишига мўлжалланган. Ҳозирги вақтда унинг пойдевори тайёр. 2020 йилгача оқ тошдан қуриладиган катта бино қурилишини қунлаш режалаштирилган.

Islom.uz портали таҳририяти